

Биоларни таъмирлашда энергия самарадор том конструкциялари

**С. Матъязов т.ф.н., доцент, С.Носирова ассистент, Х. Джалилов
магистр**

Самарканд давлат архитектура қурилиш институти

Ўзбекистонда мамлакат энергия истеъмолининг деярли ярми биоларни энергия манбаига тўғри келар экан. Бу эса таъмир қилинаётган биоларнинг энергия самарадорлигига алоҳида эътибор бериш лозимлигини англатади. Ўзбекистонда бу борада халқаро ташкилотлар билан биргаликда бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунга БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамкорлигида 2009 йилда “Ўзбекистонда ижтимоий объектларнинг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167- сонли қарорига биноан мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилмоқда. Ҳозиргача Республикамизда жами 2009-2014 йилларда 44500 тадан ортиқ уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, 2015 йилда 11609 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Қурилаётган уйлар қишлоқларга кўрк бериб, шаҳар уйларида қилинмайдиган шарт-шароитларга эга.

СамДАҚИнинг бир гуруҳ магистрлари томонидан Ўзбекистоннинг Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ёз фаслида намунавий лойиҳалар асосида 2009-2013 йиллар мобайнида қурилган 23500 та биоларнинг, хусусан, чордоқ конструкцияларида ўтказилган техник кўриклар бионинг энергия самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни белгилаб берди. Бизга маълумки, қурилган ва қурилаётган уй-жойларнинг том материали, металл черепица. Ёз фаслининг иссиқ кунларида бундай материаллардаги ҳарорат 90-100°Сгача кўтарилади, оқибатда:

- турар-жойлар чордоқ қисмида ҳаво алмаштиришнинг йўллари кўрилмаганлиги сабабли, чордоқдаги ҳаво ҳароратининг кескин равишда ошиши натижасида, ёғоч конструкциялар (стропила, рейка)ларнинг қорайиб, куйиб қолиши ва уларнинг хизмат кўрсатиш даврини камайиши кузатилади;

- том ёпмада иссиқлик изоляцияси сифатида қўлланилаётган қурилиш материалларининг лойиҳадаги қабул қилинган ўлчамлардан анча камлиги ёки лойиҳада кўрсатилмаган материаллардан фойдаланилганлиги чордоқ орқали хонага иссиқ ҳаво оқими ўтишини ошириб юборишига, натижада хонадаги микроиклим талабларини бузилишига сабаб бўлади.



1-расм. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар жой биносининг том қисми ташқи деворида шамоллатиш тешикларининг қўйилмаган ҳолати.



2 –расм. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар жой биносининг том қисми ташқи деворида шамоллатиш тешикларининг шакллари.

Бундай камчиликларни бартараф этиш учун, ҚМҚ 2.03.10-95* “ Том ва том қопламалари”га қўшимча “Энергиясамарадор биноларнинг том ва том қопламаларини лойиҳалаш бўйича қўлланма”дан фойдаланган ҳолда томларнинг энергиясамарадорлигини ошириш учун чордоқда шамоллатиш тизимини йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун ташқи деворда очилиб ёпиладиган, қушлар кира олмайдиган, меъморий бойитилган тешиклар қўйилиши лозим. Тешикларнинг юзаси бинонинг ҳар томони учун бино ёпмасининг юзаси нисбатида ҚМҚ 2.01.01-94га асосан 1/500 III қурилиш - иқлимий ҳудуди учун, 1/300 I ва II қурилиш-иқлимий ҳудуд учун олинади. Турар-жой бинолари учун тешиклар юзаси бинонинг ҳар бир бўйлама томони учун том ёпма юзасининг 1/300 нисбатидан кам бўлмаган ҳолда ҳисоблаб топилиши лозим.

Турар –жой биноларида шамоллатиш тизимини амалга ошириш орқали:

- Чордоқдаги ёғоч конструкцияларни қорайиб қуйиб қолиши;
- Чордоқда ҳаво ҳароратининг кескин равишда ошиб кетиши;
- Хонага иссиқ ҳаво оқимининг ўтиши ва бошқалар олди олинади:

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, турли қурилиш иқлимий ҳудудларида, ҳар бир ҳудуд учун том бўйлама деворларидаги тешиклар юзаси номенклатурасини тузиб чиқилиб, биноларни таъмирлаш чоғида қўллашга тавсия этиш, бино энергия самарадорлигини ошириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати.

1. ПОСОБИЕ по проектированию крыш и кровель энергоэффективных зданий (кҚМҚ 2.03.10-95*). Тошкент, 2005й.- 43б.
2. С.Матъязов, Х.Джалилов, Ч. Алламов “Намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар-жой биноларини таъмирлаш жараёнида энергия самарадорлигини ошириш” “Интеллектуал салоҳиятли иқтидорли ёшлар” мавзuidaги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XI

республика илмий- амалий конференцияси материаллари. Самарқанд.
2014 йил, 23-24 май, 2- қисм.-175б.

3. Интернет сайтлари:

- www.adolatgzt.uz; uzb.econews.uz; <http://kakoydom.com>